

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ОМИЛ

*Равшан ХИДОЯТОВ*

*Жиззах политехника институти*

*“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси доценти.*

**АННОТАЦИЯ:** Маълумки, рақобатбардошлик моҳиятан товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти ҳисобланади.

Барқарор иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Яъни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги; мамлакат корхоналарининг рақобатбардошлиги; мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг рақобатбардошлиги; мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги; мамлакатнинг рақобатбардошлиги.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Миллий иқтисодиёт, рақобатбардошлик, барқарор иқтисодиёт, либераллаштириш, модернизация, диверсификация, рентабеллик, маҳсулот рақобатбардошлиги, корхоналарнинг рақобатбардошлиги, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги.

Жаҳон бозорида беқарорлик ҳукум сураётган бугунги кунда мамлакатимизнинг барқарор ўсишини таъминлашда миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга.


Маълумки, рақобатбардошлик моҳиятан товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти ҳисобланади.

Барқарор иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Яъни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги; мамлакат корхоналарининг рақобатбардошлиги; мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг рақобатбардошлиги; мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги; мамлакатнинг рақобатбардошлиги.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги унинг сифат ва нархига кўра бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Корхоналарнинг рақобатбардошлиги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буни ҳар йили Швецарияда бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида фирмалар даражасидаги рақобатбардошлик қуйидаги тўртта асосий омил билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди: ресурслар (корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун



ресурсларнинг аввало мавжудлиги, ҳажми ва сифати); ташқи рақобат; талаб; тармоқлараро алоқалар.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Шуларни ҳисобга олиб мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун унга тўсиқ бўлаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг паст бўлишига, таннархнинг эса асоссиз ўсиб кетишига олиб келаётган омилларни бартараф этиш масаласига катта эътибор қилинмоқда.

Яни, корхоналарда мавжуд асбоб-ускуналар ҳамда технологияларнинг салмоқли миқдори жисмоний ёки маънавий жиҳатдан эскиришига; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада бўлмаслигига; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда тўлиқ ҳал этилиши лозимлиги; ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси қониқарли бўлиши лозимлигига ва бошқа шу каби омилларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуна ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот бирлигига моддий ва меҳнат ресурслари сарфи миқдорини камайтиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича рақобатбардошлигини таъминлашга эришиш мумкин эмас.

Шунга кўра, асбоб-ускуна ва технологияларни жаҳон миқёсида синондан ўтган энг сўнгги замонавий турлари билан алмаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётганлигини ўзининг чиқишларида бот-бот такрорламоқда. Чунки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган истеъмол қилинган энергия ресурслари ва хом ашё материаллари миқдори ривожланган давлатлардаги шундай кўрсаткичлардан анча юқорилигича қолмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатбардошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган эди. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Тараққиёт стратегиясида ҳам 2022-2026 йилларда иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш бўйича вазифалар белгиланган.

Қолаверса, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат



кооперациясини кенгайтириш Ҳаракат дастурининг энг муҳим вазифалари қаторидан ўрин олган.

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий алоқаларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификация қилиш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб қилиш бу жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга янада юксак талаблар қўймоқда.

2018-2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори бугунги кундаги асосий вазифа бўлиб унда куйидагилар назарда тутилган: юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш; савдо алоқаларини ривожлантириш борасидаги мақсадли бозорларни аниқлаш; ташқи бозорлар конъюктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш; ташқи бозорларни маркетингга хос ўрганиш усуллари ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; белгиланган бозорларни асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали миллий маҳсулотлар билан таъминлаш; халқаро сифат стандартларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун бугунги кунда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар олиб борилгани каби йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳам муҳим рол ўйнаши табиийдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 –сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил. 6-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли фармони.
3. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф.Расулев, А.М.Қодиров ва бошқ. . /С.С.Ғуломов таҳрири остида.- Тошкент, 2006 йил 440 бет.

